

INTERNATIONAL JOURNAL OF
WORLD LANGUAGES

ДОБРЕДОЉОВТЕ WÈLLKOMM स्वागत छ
VÄLKOMMEN FÀILTE VÍTEJTE HERZLICH KΑΛΩΣ ΗΡΘΑΤΕ
Laipni lūdzam ك ب ال ه أ WILLKOMMEN
BEM VINDA ÜDVÖZÖLJÜK 歡迎 환영
आपले स्वागत आहे 歡迎 ようこそ
WELCOME DOBRODOŠLI स्वागत हे
BIENVENUE HOŞGELDİNİZ FÀILTE
BENVENUTO VELKOMINN Tuhiŋga o mua SELAMAT DATANG
wɪlujeung sumping
SALUTATIO வரவரேற்பா BI XÊR HATÍ
BINE ATI VENIT ಸವಾಗತೆ

International Journal of World Languages

Volume 1, Issue 1, March 2021

Internet address: <http://ejournals.id/index.php/IJWL/issue/archive>

E-mail: info@ejournals.id

Published by ejournals PVT LTD

Issued Bimonthly

Requirements for the authors.

The manuscript authors must provide reliable results of the work done, as well as an objective judgment on the significance of the study. The data underlying the work should be presented accurately, without errors. The work should contain enough details and bibliographic references for possible reproduction. False or knowingly erroneous statements are perceived as unethical behavior and unacceptable.

Authors should make sure that the original work is submitted and, if other authors' works or claims are used, provide appropriate bibliographic references or citations. Plagiarism can exist in many forms - from representing someone else's work as copyright to copying or paraphrasing significant parts of another's work without attribution, as well as claiming one's rights to the results of another's research. Plagiarism in all forms constitutes unethical acts and is unacceptable. Responsibility for plagiarism is entirely on the shoulders of the authors.

Significant errors in published works. If the author detects significant errors or inaccuracies in the publication, the author must inform the editor of the journal or the publisher about this and interact with them in order to remove the publication as soon as possible or correct errors. If the editor or publisher has received information from a third party that the publication contains significant errors, the author must withdraw the work or correct the errors as soon as possible.

OPEN ACCESS

Copyright © 2021 by Thematics Journals of Applied Sciences

EDITORIAL BOARD

Ambreen Safdar Kharbe,
Najran University,, Saudi Arabia

Erdem Akbaş,
Erciyes University, Turkey

Oksana Chaika,
National University of Life and Environmental
Sciences of Ukraine, Ukraine

Fatma Kalpakli,
Selçuk University, Turkey

Zekai Gül,
University of Minnesota, Islamic College of
Languages and Translation

Birsen Tütüniş,
Kültür University, Turkey

Nurdan Kavakli,
Izmir Democracy University, Turkey

Anette Ipsen,
University College Copenhagen, Denmark

Lotte Lindberg,
University College Copenhagen, Denmark

Miriam Eisenstein,
New York University, United States

Boudjemaa Dendenne,
University of Constantine I, Algeria

Ismail Hakki Mirici,
Hacettepe University, Turkey

Lily Orland Barak,
University of Haifa, Israel

Maggie Sokolik,
University of California, Berkeley, United States

Manana Rusieshvili-Cartledge,
Tbilisi State University, Georgia

Maryam Zeinali,
Urmia University, Iran Islamic Republic

Mehmet Demirezen,
Ufuk University, Turkey

Sejdi M. Gashi,
Institute of Albanology-Pristina(Kosovo), Albania

Priti Chopra,
The University of Greenwich, Greece

Rome Aboh,
University of Uyo, Nigeria

Salam Yusuf Nuhu Inuwa,
Kano State College of Arts and Sciences, Nigeria

Zelege Arficho Ayele,
Hawassa University, Ethiopia

Mustafo Zhabborovich Bozorov
Samarkand State Institute of Foreign Languages

Martaba Numonovna Melikova
Samarkand State Institute of Foreign Languages

Mastura Mizrobovna Oblokulova
Samarkand State Institute of Foreign Languages

Erkinov Sukhrob Erkinovich
Samarkand State Institute of Foreign Languages

Eko Susanto
Menegment of journal Indonesia

Shirinova Inobat Anvarovna
Guliston State University

Akramjon Abdikhakimovich Shermatov
Samarkand State Institute of Foreign Languages

Akhmedova Shoira Nematovna
Professor of the Department of Uzbek Literature,
Bukhara State University

МЕТОД ГРАДАЦИИ И СВОБОДНЫЙ СТИХ

Шарафиддинова Нодира Хурсандовна

преподаватель академического лицея
Ферганского государственного университета
E-mail:nodish.2808@gmail.com

Аннотация: В статье рассматривается мышление о сортах и свободных стихах, а ширина, близость строительства субъекта, строительство свободной поэзии, указывает на то, что использование ритмического приоритета является спецификой свободного стихотворения. Структура свободного стихотворения является частью драматических местоположений, и обсуждается его место в прозе. Выдвигаются взгляды о мансурах и приходят к определенным выводам.

Ключевые слова: градация, свободный стих, архитектоника, ритмическая единица

GRADUATION METHOD AND FREE POEM

Sharaphiddinova Nodira Khursandovna

teacher of academic lyceum of Ferghana
State University
E-mail:nodish.2808@gmail.com

Abstract: The article discusses thinking about varieties and free verses, and the width, the proximity of the construction of the subject, the construction of free poetry, indicates that the use of rhythmic priority is the specifics of the free poem. The structure of a free poem is part of dramatic locations, and its place in prose is discussed. The views on mansurates are put forward and come to certain conclusions.

Key words: Graduation, free poem, architectonics, rhythmic unit

ГРАДАЦИЯ УСУЛИ ВА ЭРКИН ШЕЪР

Шарафиддинова Н.Х.

ФарДУ академик лицей ўқитувчиси
E-mail:nodish.2808@gmail.com

Аннотация: Мақолада градация ва эркин шеър ҳақида фикр юритилади ва бунда мавзу майдонининг ҳамда ғоялар ифодалаш имконининг кенглиги, оперативлик, эркин шеър қурилишининг сўзлашув нутқиға яқинлиги, ритмик устуворлиги эркин шеърнинг ўзига хос хусусиятлари эканлиги кўрсатилади. Эркин шеър тузилишининг драматик дostonлар таркибидан ўрин олиши, унинг насрий назмга муносабатлари хусусида баҳс этилади. Мансуралар ҳақидаги қарашлар ўртага ташланади ва аниқ тўхтамларга келинади.

Калит сўзлар: градация, эркин шеър, архитектоника, ритмик бўлак.

Градация термини изоҳланар экан, у "мазмунни изчил кучайтириб боришга асосланган стилистик фигура" [7. - Б.85-86] деб белгиланади ва И. Мирзодан беш мисра, Э.Шукуровдан тўрт мисра мисол берилади. Бошқа лугатда ҳам асосан шундай изоҳланади. "... асардаги у ёки бу ҳолатнинг секин- аста ошиб ёхуд пасайиб боришидан иборат стилистик фигуралардан бири; бир хилдаги тавсифларни мунтазам тартибда группалаштириб, уларни мазмун ёки эмоционал аҳамиятини

кучайтириб ёки пасайтириб тасвирлашдан иборат поэтик нутқ усули ", [9. - Б.89-90] деб изоҳланади. Мазмун ёки эмоционал аҳамиятини эмас, ҳар иккисининг ҳам бир вақтдаги тасвирини беради.

Изоҳ сўнгида Ҳамид Олимжондан қуйидаги мисралардан иборат мисол берилади.

Бос,
одамлар,
қаттиқ-қаттиқ
ерларга ботсин -
Тракторлар
ғавғо бошлаб
ерни ёргандай...
Бос,
узилсин
ҳар душманнинг
сўнг томирлари,
Қўлдан чиқиб,
бойликлари,
даври,
ерлари... [9. - Б.89-90]

Бу шеърӣй парча лексиконида қўлланган сўзлар шеърнинг сиёсий мазмунини англатиб туради. Бу сўзлар ифодалайдиган маъноларни ажратиб таъкидлаш учун градация усули қўлланиб, зинапоя мисраларга мурожаат қилинган. Бунда ритмик бўлақларга бўлиш туфайли сўзлар мисралаштирилган, алоҳидаликка олиб чиқилган, маънолар таъкидланган. Ритмик жиҳатдан ажратиб, мисралаштирилган сўз ўзининг мустақил "суратига" эга бўлади.

Демак, эркин шеър ва унинг зинапояли шакли ўзбек поэзиясида қулоч отиш даври ХХ асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Мавзу доираси, асосан, ижтимоӣй-сиёсий, давр мафкурасини ифодалаш билан боғлиқ ахлоқӣй мавзулар бўлган.

Зинапояли эркин шеърларнинг банд тузилиши ҳам эркин бўлган: бандларга уюштириш ҳам бор, бандларга уюштирилмаган эркин шеърлар ҳам бор. Масалан, Ҳамзанинг "Қутлуғ бўлсин" [8. - Б.206]. шеъри бандлаштирилган бўлиб, унинг охирги банди тўрт мисрадан иборат бўлса, ундан олдинги банд саккиз мисралидир. Шундан етти мисра ритмик жиҳатдан синиқ мисраларга айланттирилган. Бу ажратилган ритмик бўлақлар ҳам маъно-мазмунӣ таъкидланган сўзлардан иборатдир. Бу сўзлар ахлоқӣй, маънавий-маърифӣй, ижтимоӣй маъно майдонларига мансуб сўзлардир.

Ғафур Ғуломнинг "Турксиб йўлларида" шеърида юзтага яқин ритмик ажратилган синиқ мисра бўлса, шулардан бир қаторлилари ўттизта, икки қаторлилари қирқ бешта, уч қаторлилари ўн саккизта, тўрт қаторли мисралар битта холос. "Яловбардорликка", "Алкоголь" шеъларида ҳам энг кўп бўлганда олти қаторли, у ҳам битта ёки иккита, синиқ мисралар бор. Демак, шаклий тузилиш мисра ва синиқ мисралар бўйича мураккаб бўлмаган. Эркин шеър фикр ва ҳис-туйғуларни ифодалашда катта қулайликларга эга бўлган шеър шакли бўлишида мантиқӣй урғу берилган сўзларни алоҳида синиқ мисра сифатида ритмик жиҳатдан ажратиш имкониятининг борлиги асосий омилдир.

Ижодкор муҳим маъно юкланган, ўзининг руҳиятидан сизиб ўтган психологик ҳолатни ифодалаш, узатиш учун сўз ёки сўзлар гуруҳини ритмик жиҳатдан ажратади

ва уларни яққолроқ, ёлғиз суратда кўрсатиш учун мисра таркибидан ажратиб, синиқ мисра сифатида алоҳидаликка олиб чиқади.

Йўқ!
Бабурд фарзанд эмас у,
Аммо тик қирғоқдан бу дам,
волидасин ташлагай
Ҳинд дарёсига.

Йўқ!
Унинг "ожиза" си беномус,
шарманда эмас,
Уни ҳам отгай бироқ
гирдоблар дунёсига.
Йўқ!
Унинг болалари она сутидай пок,
муҳтарам ва лекин, мана,
Уларни у
Ўз қўллари билан тўлқинларга бермоққа
ичди қасам [1. - Б.113].

Бу парчадаги ёрқин иерархик нафас шеърнинг ритмик қурилиши туфайли яратилган: тик қирғоқдан... волидасини, "ожиза"сини болаларини дарёга, гирдоблар дунёсига, тўлқинларга ташлайди, отади.

Бу - шахс фожиаси, шу фожианинг ижодкор қалбидаги тўғёни. Мисраларни ритмик жиҳатдан бўлақларга ажратиш, алоҳидаликда суратлантириш билан фожиавийлик ҳам фикран, ҳам эмоционал жиҳатдан тўла қонли ифодаланган.

Ёркин шеърга ўтган асрнинг 30-йилларида нисбатан кўпроқ мурожаат қилинди, бу шаклда кўпроқ ижод қилинди, у шу давр шеърлятида шаклланди. Бу шаклга публицистик минбар шеърлардагина эмас, байрам шеърларида ҳам эътибор қаратилди.

Шўх мақом, ҳа! -
Бардам-бардам чалинг, ҳа!
Қарсак чалинг, илдам-илдам олинг, ҳа.
Ёв кўксига аччиқ алам солинг, ҳа!
Бу чўнг байрам, тагин хушбахт бўлинг, ҳа.
Янгротинг, ҳа.
Уч юз уч, деб сим қоқсин!
Мана кадр, мана куч! деб сим қоқинг! [4. - Б.98].

Бу парчада фақат шеърдагина хос бўлган бирорта мисра йўқ. Барча қаторлар сўзлашув нутқи жумлаларидан фарқ қилмайди. Мана шу жиҳат, яъни ёркин шеърда мисраларни ортиқча шеърлялаштиришга эҳтиёж йўқлиги бу шаклнинг оперативлигини таъмин этган омиллардан биридир. Бу шаклда шеърляликни ритм ҳал қилади.

Ёркин шеър шакли кейинчалик мавзу майдонини кенгайтириб борди, лирик сатрлар, кайфият ифодалари, пейзаж билан боғлиқ гўзал асарлар яратилди. Барча шоирлар эндиликда ўз ижодларида, албатта, ёркин шаклга мурожаат қиладилар. Айниқса, Миртемир ва Асқад Мухторлар поэзиясида бу шакл яна ҳам

такомиллашди. Миртемир ўтган асрнинг 60- йилларида эркин шеърнинг мумтоз намунасини яратди. Бу унинг "Онагинам" шеърдир. Бу мисраларда эркин шеърнинг бор бўй-басти тўлиқ намоён этилди. Айниқса, катта ритмик бўлақлар шеърнинг архитектуронасидаги улуғвор кўтаринкиликни, эҳтиросга тўла пафосини таъмин этди.

Саҳродан ўтин орқалаб келмаган болангман...
Оғзингдан сўз чиқмай, елмаган болангман...
Сенинг арзимас бир юмушингни адо этолмаганим,
Сенинг бир ишорангга юз ўмбалоқ ошиб кетолмаганим!
Сени жиндак хушвақт қилгани,
Сени жиндак хушбахт қилгани -
Тагсиз жарлардан ўтолмаганим,
Сени сўнгги йўлга ўзим узатолмаганим -
Тоғдай зил.
Абадиятдек чексиз армон бўлиб қолди дилимда,
онагинам!
Одам бўлдимми менам? [4. - Б.367]

Бу шеърнинг ҳар бир ритмик бўлаги ўзига хос залворга эга. "Саҳродан" бир ритмик бўлақ, "ўтин орқалаб келмаган" иккинчи катта ритмик бўлақ. Мана шу катта ритм биринчи ритмик бўлақни бўрттириб кўрсатиш учун ҳам хизмат қилади. Чунки "ўтин" "саҳро" билан боғланади. "Ўтин" сўзининг ўзи ҳам алоҳида пауза билан ажратилмаган бўлса ҳам, мантиқий урғу билан ажралиб туради. Бу сўз мисрадаги марказий ўринни эгаллаб турган сўздир. "Сени" икки мисранинг бош сўзи сифатида алоҳида кичик ритмик бўлақ бўлиб келган, "жиндак" сўзлари ҳам шундай ритмик бўлақдир, "хушвақт" ва "хушбахт" сўзлари "қилгани" сўзлари билан бир ритмик гуруҳни ташкил этади. "Тоғдай зил", "абадиятдек чексиз", "армон бўлиб қолди" ритмик бўлақлари шеърдаги жиддий залворни, трагик пафосни вужудга келтирган. Бундай армон, алам бошқа шаклдаги шеърларда ифодаланиши қийин. Бу эркин шеър имконияти кенглигини ҳам кўрсатади.

Шундай трагик мисралар Азим Суюн томонидан ҳам яратилди. "Хотира" деб номланувчи бу шеър барча катта-кичик мисралари билан тўқсон беш қатордан иборатдир. Энг катта банди ўн олти мисрали бўлиб, ўн еттита ритмик бўлиниш бор.

Бугун,
шу дамда
шу лаҳзада,
тўлиб кетди дунё,
тўлиб кетди само,
тўлиб кетди арши-аъло
кулгиларимга,
Бу шундай кулгиларки
юрақлар тубида
зил тош бўлиб
чўкиб ётган
кулгиларни
етаклаб чиққувчи
юзларга,

кўзларга, сўзларга... [1. - Б.243]

Эркин шеърини шакл ўз майдонини кенгайтириб, драматик дostonлар таркибидан ҳам ўрин олди. "Соҳибқирон" драматик дostonи асосан, ўн уч бўғинли мисралардан ташкил топган. Лекин бу мисралар ритмик жиҳатдан бўлиниб, бир ритмик бўлак алоҳида мисралаштирилиб,

- От сурдингиз //

Сиз жаҳонгир // Соҳибқиронсиз, -

тарзида ҳам шакллантирилади. Баъзан ўн уч бўғин ритмик жиҳатдан икки персонаж нутқи билан алоҳида-алоҳида мисралардаги

- Ш а й х у л и с л о м

Олампаноҳ // изн беринг

Т е м у р

Гапиринг // ҳазрат - [5. - Б.155].

кўринишида ҳам шаклланади.

Ритмик бўлақларни бундай мисрадан мисрага эркин ўтказиш эркин шеър томон силжиш учун йўл очади. Натижада ўн уч бўғинли мисралар етти, тўққиз бўғинли мисралар билан алмашиб келиши туфайли эркин шеър шакллари яратилади.

з аёл-ку // Астафтуруллоҳ //

Сирғангиздан // пайқаб қолдим // мен //

Бироқ // билиб қўйинг // Сиз //

Аёлларни // мен жангоҳга // жалб қилмаганман [5. - Б.153].

XX аср ўзбек адабиётида йиғилган тажрибалар, бадиий - эстетик тафаккур кўлами кенгайиши ва ривожини, фикр узатишининг янги-янги йўллари ва шакллари бўйича изланишлар эркин шеър шаклини янада такомиллаштирди. Фикр ва туйғуларни чуқурроқ, кенгроқ ифодалашга бўлган уринишлар насрий шеър деб аталувчи турни вужудга келтирди. Ўзи ҳам насрий шеърларда ижод қиладиган машҳур литва шоири Эдуардас Межелайтис " китоб... қоннинг ритмик тўлқинларидан туғилади " [3. - Б.7]

деб ёзади. Бу фикрни поэзияга татбиқ этиб, умуман, шеър, жумладан, эркин шеър ва эркин насрдаги назм қоннинг ритмик тўлқинларидан туғилади, деб айтиш мумкин.

Б. Саримсоқов " насрий шеър нима " эканлигини аниқлаш учун ёзади:

- насрий шеър вазнли насрнинг қобилигини ёриб чиқиб, "эркин" наср ва шеърга хос хусусиятларга эга бўлади. Унда ҳам шеърга хос, ҳам насрга хос хусусиятлар мавжуд " [6. - Б.75-76] лигини айтиб, унинг беш асосий белгисини кўрсатади.

Маълумки, наср ўзи эркин бўлади, шунинг учун "эркин наср" ўрнида "эркин вазнли наср" ифодасини қўллаш маъқулроқдир. Шунингдек, муаллиф томонидан Омон Матжон насрий шеърларидан мисол берилади. Мазкур мақолада Ҳамза, Ойбек, Ш. Сулаймон қатори Миртемир ҳам "насрий шеърнинг яхшигина намуналарини" яратгани ҳақида ҳам гапирилади. Миртемир ўзининг беш жилдлик асарлари биринчи жилдида йигирмадан ортиқ насрий битикларини сарлавҳа остига "сочма" сўзини илова қилиш билан киритган. Азим Суюннинг "Сайланмаси" га ҳам сочмалар киритилган. Бу сочмалар Б. Саримсоқов томонидан қўйилган насрий шеър мезонларига жавоб беради. Бундай намуналар насрий шеър, насрдаги назм атамалари билан юритилади. Мансуралар-чи? Агар Б.Саримсоқов томонидан қўйилган мезонлар " Ҳамма насрий шеърлар учун бир хил бўлмай, улар ижодкорнинг услубига боғлиқ ҳолда, турлича нисбатда зоҳир " бўлса, бу тоифага мансуралар ҳам киради. Ҳақиқатан ҳам, ижодкор услуби бу ўринда кўп нарсани ҳал қилади [6. - Б.76].

Шундан келиб чиқиб, уларнинг барчаси учун, насрий шеър, насрдаги назм,

сочма каби тушунчаларни бир атамада, мансура атамаси билан бериш мақсадга мувофиқдир. Мансураларнинг ички фарқланиши унинг турлари деб қаралади. Вазнли наср мисралаштирилиши мумкин, мансуралар (насрдаги назм, насрий шеър) мисраларга тушмайди. Бу уларнинг энг муҳим белгиси.

А. И. Ефимов Я. Мукаржвскийнинг жумла нафақат синтактик шакл, мусиқий формула, унинг энг муҳим томони фикрлаш усули, борлиққа бўлган муносабатни ифодалаш усулидир, деган фикрини кўрсатиб ўтади.

[2. - С.196]

Демак, усул ва синтактик қурилиш вазнли наср ва мансураларни фарқловчи воситалардир. Бу икки шаклнинг ритми ҳам синтактик тузилишида намоён бўлади.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Азим Суюн. Сайланма. - Тошкент. "Шарқ", 1997.
2. Ефимов И. И. Стилистика русского языка. - М.: "Просвещение", 1969.
3. Межелайтис Э. Контрапункт. Лирическая проза. М.: "Известия", 1972.
4. Миртемир. Асарлар. Тўрт жилдлик. Биринчи жилд. - Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
5. Орипов А. Жаннатга йўл. - Тошкент. Фафур Фулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2018.
6. Саримсоқов Б. Вазнли наср ҳақида мулоҳазалар. Журнал. "Ўзбек тили ва адабиёти" 1975, №4.
7. Қуронов Д. Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. - Тошкент. "Akademnashr" 2010.
8. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Иккинчи том. - Тошкент: "Фан", 1988.
9. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. - Тошкент: "Ўқитувчи", 1983.